

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 1

Лот№

Бухоро шаҳри

2022 йил 12 - Январ

“Жондор Чашмаси” МЧЖ, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари М.Тошева ва Бухоро “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг устави асосида иш юритувчи раҳбари Б.Олтиев, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўл иган товар (махсулот) ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар (махсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Махсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Сут	литр	2600	4000	10400000
2	Творог	Кг	420	24000	10080000
3	Кефир (кадокланган 400 гр)	дона	2100	4000	8400000
4	Сметана 25 % (кадокланган 400гр)	дона	420	5500	2310000
	Жами:				31 190 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати:
2022 йил 31-январгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси ККС сиз **31 190000 (Уттиз бир миллион бир юз туксон минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (махсулот) учун олдиндан тўлов миқдори **9357000** сўмни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори **21833000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 31- январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16- мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини етказиб берувчи ўз зиммасига олади.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Ҳазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабр гача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6- рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ «СОТУВЧИ» «СОТИБ ОЛУВЧИ»

“Жондор Чашмаси” МЧЖ

(наименование поставщика)

Адрес: Бухарская область Жондор ш

Дўстлик кўчаси а\п 69 уй.

Тел/факс +998943293333

Р/сч 20208000904679821001

Наименование банка Бухоро шаҳар.

ОАТБ “Хамкор банк”

МФО 00966 ИНН 300680452

ОКОНХи 18220

Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун
интернат уйи

(наименование получателя бюджетных средств)

Адрес: Бухоро шаҳари, Абай кўчаси, 61-уй

Тел\ факс 83652281058

Р/сч 100021860064017101205054001

Бюджетдан маблағ олувчининг

СТИРи 201512037 ОКОНХи 91800

Ҳазначилик бўлим номи: Бухоро вилояти

буйича Ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х\в: 23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош

бошқармаси ХККМ МФО 00014

Ҳазначилик бўлиммаси СТИРи: 201122919

Директор:  М.Тошева



Директор:  Б.Ч.Олтиев



ХУКУКШУНОС:  Ш.Раджабов

(Диплом В № 292537 28.06.99й)



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи директори

Б.Олтиев

(ИМЗО)

Бухоро “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи фаолияти учун олинадиган товар ва хизматлар нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ- № 2

2022 йил « 12 » Январ

Бухоро шаҳри

Таркиб
Раиси:
Комиссия аъзолари:

Лавозими
Т И Б директор уринбосари
Омбор мудир:
Хўжалик соҳибаси:
Касаба уюшма аъзоси:
Фельдшер:

Ф.И.Ш
Э.Файзиев
О.Дарвешов
Д.Каримова
Н.Хасанова

Х.Баротов

КУН ТАРТИБИ:

Эркин савдо орқали бюджет ташкилоти фаолияти учун олинадиган сут ва сут махсулотлари нархини аниқлаш,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонуннинг 27-бандига асосан .

Даволаш профилактика ва таълим муассасалари меҳмонхона ва ресторан хизматлари курсатиш мурувват ва ногиронлар уйлари : меҳрибонлик уйлари ва интернатлар : қариялар уйлари учун озик-овқат махсулотларини тугридан-тугри харид қилиш белгилаб қуйилган .Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақаси такқослаб кўрилди::

Товар ва хизмат						
сон	Бир бирлик нархи	Ўлчов бирлиги	Номи	«Жондор Чашмаси» МЧЖ	« Саид Азиз» ОК	“СифтЖихатРи вож сервис” МЧЖ
1	6000	кг	Сут	4000	4050	4080
2	26000	кг	Творог	24000	24040	24070
3	6000	кг	Кефир (кадокланган 400гр)	4000	4060	4100
4	8000	кг	Сметана25%(кадокланган 400гр)	5500	5550	5590

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юқорида танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан «Жондор Чашмаси» мчж таъминотчи савдо ғолиби ҳисоблансин.
2. Танлов якунлари бўйича ушбу таъминотчи билан 31090000 сумга шартнома тузиш ташкилот бош ҳисобчиси Х.Артикова томонидан музоқорага киришилсин.
3. Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

ИМЗОЛАР:

Раиси:

Э.Файзиев

(Ф.И.Ш)

(ИМЗО)

Комиссия аъзолари:

О.Дарвешов

Д.Каримова

Н.Хасанова

Х.Баротов

Handwritten signatures and initials in blue ink, including the signature of E. Fayziyev and others.